

РАЗДЕЛ 1

**ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ
ӘЛЕУМЕТТИК-ЭКОНОМИКАЛЫҚ ҚАЗІРГІ МӘСЕЛЕЛЕР
ҚОҒАМНЫҢ ДАМУЫ
СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО
РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА**

Б.Т. Байхонов, научный руководитель *Н.И. Исакова*
Институт подготовки кадров и статистических исследований
Ташкент, Узбекистан
bahodir73@vfil.ru

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВЛИЯНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ИНВЕСТИЦИЙ НА РАЗВИТИЕ СТРАНЫ**

Аннотация. В статье исследуются различные подходы зарубежных экономистов к важности, роли и теоретической основе инвестиций в развитие экономики страны, предоставление нового оборудования и технологий, а главное, их интеграции в мировую экономику. Проведен анализ модели развития экономики Республики Узбекистан, направленной на производство высокотехнологичной и наукоемкой продукции, и даны рекомендации по результатам.

Ключевые слова: инвестиции, новые технологии, меркантилистская доктрина, классическая политическая экономия, иностранные инвестиции, инновационные инвестиции.

B.T. Baykhonov, supervisor *N.I. Isakova*
Institute for Personnel Training and Statistical Research
Tashkent, Uzbekistan
bahodir73@vfil.ru

**THEORETICAL BASES OF INFLUENCE OF EFFECTIVE USE OF INVESTMENTS
ON DEVELOPMENT OF THE COUNTRY**

Abstract. The article examines the different approaches of foreign economists on the importance, role and theoretical basis of investment in the development of the country's economy, the provision of new equipment and technologies, and most importantly, its integration

into the international economy. The analysis of the development model of the economy of the Republic of Uzbekistan, aimed at the production of high-tech and science-intensive products, is carried out, and recommendations are made on the results.

Keywords: *investment, new technologies, mercantilist doctrine, classical political economy, foreign investment, innovative investment.*

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш уни қайта қуриш ва янги техника-технологиялар билан таъминлаш учун инвестициялар зарур. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Давлат ўз мулкани шахсий қўлларга бериб, мамлакат ичида моддий ва пул ресурсларини тарқатиш бўйича аввалги буйруқбозлик функцияларидан воз кечди. Иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар захирасида ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга маблағ киритиш учун ўзининг етарли даражада сармоясининг йўқлиги миллий иқтисодиётни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида иқтисодий бошқарувнинг бозор тизимига ўтиши инвестиция жараёнининг янги моделини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, қулай инвестиция муҳити турли давлат, хусусий ва хорижий манбалардан фойдаланган ҳолда инвестициялар ўсишини рағбатлантиради. Глобаллашув шароитида инвестициялар ўсиши илмий ва технологик салоҳиятга боғлиқ бўлиб, у ҳар қандай мамлакат учун иқтисодий ўсишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Инвестиция жараёни бу жуда кўп қиррали жараён бўлиб, кўплаб омиллар таъсирида бўлади ва уларни билиш катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга. «Ушбу омилларни билиш, уларнинг инвестиция фаолияти ва инвестиция самарадорлигига таъсири механизми илмий асосланган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда инвестиция жараёнини янада самарали бошқариш учун асосдир» [1].

Инвестицияларнинг моҳиятини ва уларнинг иқтисодиётни ривожланишидаги ролини тушуниш ва очиб беришга қаратилган биринчи уринишлар Аристотел, Платон ва бошқа қадимий тадқиқотчиларнинг илмий мерослари билан боғлиқ бўлиб, «... одамларни ишбилармонлик фаолияти ва инвестицияларга бўлган ёндашувлари, пулнинг жамиятдаги функциялари, уни тўплаш, улардан фойдаланиш мақсадлари ҳамда усуллари билан боғлиқлиги» тўғрисида фикрлар келтирилган.

XVII – XIX асрларда. бир қатор иқтисодчилар инвестиция фаолиятининг моҳияти ва роли тўғрисида илмий ва амалий қоидаларни ишлаб чиқдилар. Томас Мэн, Антуан де Монкретьен, Уильям Стаффорд [2] ва бошқа меркантилист таълимоти намоёндалари биринчи марта инвестиция ресурсларини шакллантиришга давлатга аралаштириш зарурлигини ва мамлакатга чет эл инвестициялари кириб келишини асосладилар. Уларнинг илмий қарашларига кўра, пул оқимини таъминлаш учун давлат ўз савдо

балансининг ижобий мувозанатига эришиб, халқаро савдо соҳасида фаол протекционистик сиёсат олиб бориши керак. Бир вақтнинг ўзида уларнинг қийматини пасайиши билан пул маблағларини тежашнинг ўсиши, уларнинг фикрига кўра, «тадбиркорларнинг инвестиция фаоллигини ва иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларига тўғридан-тўғри давлат инвестицияларини рағбатлантиришнинг асосий омили бўлди» [3].

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан хулосаларга мувофиқ, инновацион инвестицияларни кенг миқёсда амалга ошириш, бир томондан, маълум даражада ишлаб чиқаришнинг чекланган омилларини енгиб ўтишга, иккинчи томондан, инвестиция қилинган капиталнинг рентабеллигини ошириш ва қонун таъсирини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради.

Юқорида келтирилган инвестиция ва инвестиция жараёнлари тўғрисидаги фикрлар, қарашлар ва ёндошувлардан келиб чиқиб, индивидуал ва ижтимоий даражадаги инвестициялар жараёнлари, уларнинг мазмуни ва мақсадга йўналтирилганлиги, ўзаро боғлиқлик ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги жами ижтимоий маҳсулотни амалга ошириш назарияси доирасида ишлаб чиқариш воситалари ва улар учун пул талаби белгиланганлигини айтиш мумкин.

Умуман олганда, турли мамлакат олимлари ва мутахассисларининг меҳнати инвестициянинг моҳиятини шакллантириш учун зарур шартларни яратди. Уларнинг тадқиқот натижалари бўйича турли ёндошувлари инвестицион жараёни янада ривожланишини умуман ишбилармонлик муҳити ва иқтисодиётнинг қайта қуришнинг назарий, услубий ва ҳуқуқий асосларини ҳамда инвестиция қилиш жараёнини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Классик сиёсий иқтисод вакиллари томонидан ишлаб чиқилган жамиятнинг инвестиция моделининг муҳим хусусиятлари унинг барча кейинги тадқиқотчилари томонидан асос қилиб олинди ва инвестиция ҳамда тадбиркорлик концепциясининг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятнинг иқтисодий тараққиётида ва бир қатор омилларнинг салбий таъсирини бартараф этишда инновацион инвестицияларнинг ўрни ривожланишга ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замонавий иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти биринчи навбатда юқори технологиялар ва илм-фанни талаб қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган ривожланиш моделига муҳтож. Бу миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига тўлиқ интеграциялашувига, рақобатбардошлигини оширишга ва ривожланган мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлашга имкон беради (1.2-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида инновацияларга қилинган ҳаражатлар ва ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар динамикаси

1-расмда келтирилган маълумотларга асосланганидан бўлса, 2010 йилда Ўзбекистон Республикасида инновацияларга қилинган ҳаражатлар ҳажми ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,36 %ини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда дастлабки маълумотларга кўра, 1,5 %ни ташкил этиб 31010,2 млрд. сўмга етди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш улшининг 2010 йил (2,5 фоиз)га нисбатан 2020 йилдаги дастлабки маълумотлар бўйича 5,4 фоизга тенг бўлиб 31010,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Иқтисодчиларнинг инвестиция масалаларига катта эътибор қаратишлари миллий иқтисодиётнинг инвестиция соҳасида юқори натижаларга эришишдаги қийин аҳволи билан боғлиқ бўлиб, бу бевосита мамлакатдаги умумий ижтимоий-иқтисодий вазият билан бирга келади ва унга қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

корхоналарда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва ноқулай ҳамда самарасиз солиққа тортиш тизими;

асосий воситаларнинг ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан сезиларли даражада эскириши ҳамда ишлаб чиқаришнинг мутлақ ҳажмининг пасайиши;

фонд бозорининг ривожланмаганлиги ва сиёсий беқарорлик ҳамда инфляция жараянларнинг кучайиши.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни соzлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу инвестиция фаолияти самарадорлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат бўлиб, бу, биринчи навбатда, мустақилликнинг дастлабки даври ва амалга оширилмай қолган иқтисодий ислоҳотларга, миллий иқтисодиётнинг барқарор ҳолатига ҳамда унинг фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келмаганлиги

билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида ҳар қандай ривожланиш ва ҳалқаро интеграциялашув кенг миқёсли инвестицияларсиз иқтисодий тикланиш мумкин эмаслигини тасдиқлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Игоница Л.Л. Инвестиции. М.: Юрист, 2002. 478 с.
2. Ранний меркантилизм. Теория денежного баланса. Режим доступа: <https://studfile.net/preview/8646822/page:8>
3. Лоренс Дж. Основы инвестирования / Дж. Гитман Лоренс, Майкл Д. Джонк. Академия народного хозяйства при Правительстве РФ. М.: Издательство Дело, 2005.

Б.Б. Жабборов, илмий раҳбар Ш.Д. Саидбоев

Namangan muhandislik-texnologiya instituti

Наманган, Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

Аннотация. Ушбу мақолада кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, давлат, молиялаштириш, стратегия, ялпи ички маҳсулот, саноат, давлат-хусусий шерикчилиги.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни миллий иқтисодиётда етакчи ўринни эгаллаши, пировардида, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажмини оширишга меҳнат ресурсларининг аҳамиятли қисмини иш билан банд қилишга хизмат қилади.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган институтчионал ва таркибий ислохотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги, жумладан тегишли қонунчилик актларининг мавжудлиги. солиқ имтиёзларининг қўлланилиши, имтиёзли